



Ислом Нури

□□□□).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен сермазий одам эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга куёв бўлганим учун У кишидан сўрашга уялиб, Микдод ибн Асвадни сўраб беришга буюрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олатингни юв ва таҳорат ол» дедилар.

Шарҳ

Мазкур ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратни синдирадиган амалларнинг хабарини берганлар. Юқорида зикр қилинган амалларнинг биронтаси таҳоратли одамда содир бўлса, у таҳорат билан қилиниши лозим бўлган амаллар олдидан янги таҳорат олиши лозим бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар

1. Қуйидагилар таҳоратни бузадиган амаллардандир:

- Оғир ухлаш таҳоратни синдиради, бу ҳукмга хушидан кетган ва ақлини йўқотганлар ҳам киради;
- Икки йўлдан чиққан – катта ва кичик қазои ҳожат, ел, қон, мазий каби нарсалар таҳоратни синдиради.